2016 ЙИЛ 16 СЕНТЯБРЬ, ЖУМА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 194 (13.257)

Баҳоси эркин нархда

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

15 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Мажлисда шу йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига Асосий тадбирлар дастури асосида пухта ҳозирлик кўрилаётгани таъкидланди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 9 ва 14-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округлари тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида тузилди.

Сайлов округлари рўйхати сайловчилар сони ҳамда округ сайлов комиссиялари қаерда жойлашганлиги кўрсатилган ҳолда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Шунингдек, мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9, 14-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи қуйидаги сайлов округлари тузилсин:

1-Қорақалпоғистон сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Ёшлар маркази биноси, Нукус шаҳри, Қорақалпоғистон кўчаси, 23-уй.

Сайловчилар сони – 1 188 763 киши.

Қорақалпоғистон Республикаси чегараси доирасида.

2-Андижон сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Андижон вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Андижон шаҳри, Алишер Навоий шоҳ кўчаси, 32-уй.

Сайловчилар сони – 1 984 247 киши.

Андижон вилояти чегараси доирасида.

3-Бухоро сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Бухоро вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Бухоро шаҳри, Алишер Навоий шоҳ кўчаси, 3-уй.

Сайловчилар сони – 1 265 163 киши.

Бухоро вилояти чегараси доирасида.

4-Жиззах сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Республика Маънавият тарғибот маркази Жиззах вилояти бўлими биноси, Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов шоҳ кўчаси, 70-уй.

Сайловчилар сони – 844 309 киши.

Жиззах вилояти чегараси доирасида.

5-Навоий сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – "Фарҳод" маданият саройи биноси, Навоий шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, 58-уй.

Сайловчилар сони – 641 380 киши.

Навоий вилояти чегараси доирасида.

6-Наманган сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Ёшлар маркази биноси, Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 15-уй.

Сайловчилар сони – 1 771 067 киши.

Наманган вилояти чегараси доирасида.

7-Самарқанд сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Самарқанд давлат университети қошидаги 2-академик лицей биноси, Самарқанд шаҳри, Рудакий кўчаси, 237-уй.

Сайловчилар сони – 2 373 738 киши.

Самарқанд вилояти чегараси доирасида.

8-Сирдарё сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Сирдарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 66-уй.

Сайловчилар сони – 529 810 киши.

Сирдарё вилояти чегараси доирасида.

9-Сурхондарё сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби биноси, Термиз шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 12-"В" уй.

Сайловчилар сони – 1 581 214 киши.

Сурхондарё вилояти чегараси доирасида.

10-Тошкент вилояти сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Тошкент вилояти молия бошқармаси биноси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 17-уй.

Сайловчилар сони – 1 943 289 киши.

Тошкент вилояти чегараси доирасида.

11-Фарғона сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилояти кенгаши биноси, Фарғона шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 27-уй.

Сайловчилар сони – 2 417 891 киши.

Фарғона вилояти чегараси доирасида.

12-Хоразм сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – "Баркамол авлод" болалар маркази биноси, Урганч шаҳри, Ғафур Ғулом кўчаси, 1-уй.

Сайловчилар сони – 1 167 263 киши.

Хоразм вилояти чегараси доирасида.

13-Қашқадарё сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – "Ўзгеобурғунефтгаз" акциядорлик компанияси биноси, Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 35-уй.

Сайловчилар сони – 1 984 042 киши.

Қашқадарё вилояти чегараси доирасида.

14-Тошкент шаҳар сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Тошкент шаҳар ҳокимлиги маъмурий бинолардан фойдаланиш департаменти биноси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 14-уй.

Сайловчилар сони – 1 742 833 киши.

Тошкент шаҳри чегараси доирасида.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек, бошқа манбаларда эълон қилинсин.

Марказий сайлов комиссияси Раиси
М.АБДУСАЛОМОВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 15 сентябрь

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан мамлакатимизда фармацевтика саноатини ривожлантириш, дори сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган тадбир ўтказилди.





Т.МАМАДАМИНОВ (ЎзА) олган суратлар

ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлолнинг илк йилларидан мамлакатимизда фармацевтика саноатига асос солинди. Бугунги кунда бу йўналишда бир юз ўттиздан кўпроқ корхона фаолият юритмоқда.

Фармацевтика саноати ривожида илм-фан тараққиёти муҳим ўрин тутмоқда. Кейинги йилларда бу йўналишдаги тадқиқотлар асосида ўн беш номдаги доривор субстанциялар, жумладан, 10 оригинал дори воситаси яратилиб, ишлаб чиқарилмоқда.

Мамлакатимизда дори-дармон сифатини назорат қилишнинг замонавий тизими яратилган. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси тизимидаги лабораториялар жаҳон миқёсидаги энг илғор технологиялар билан жиҳозлангани дори сифатини мукаммал назорат қилиш, аҳолини сифатли доридармон билан таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

2016 йил 4 январда кучга кирган "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги қонун соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштиришда муҳим дастуруламал бўлаётир.

Мазкур қонун талабларини ўз вақтида ҳаётга татбиқ этиш ва сифатни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги "Ўзфармсаноат" давлат акциядорлик концерни билан ҳамкорликда кенг қамровли ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, импорт ўрнини қоплаш мақсадида четдан келтирилаётган бир қатор замонавий шифо воситаларини юртимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш юзасидан илмий-амалий ишлар кенгайтирилаётир.

Пойтахтимизнинг Сергели туманида жойлашган "Dentafil" корхонаси етакчи ишлаб чиқарувчилардан биридир. 2007 йилда ўз фаолиятини бошлаган корхонада бугунги кунда бир юз эллик турга яқин дори-дармон ва тиббиёт буюми тайёрланмоқда. Яқинда корхонада Швейцарияда ишлаб чиқарилган замонавий технология асосида ишлайдиган тизим ишга туширилди. Бунинг натижасида кўзга томчилайдиган дори ва бошқа шифо воситалари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Янги технологияларни ёшлар бошқараётгани қувонарлидир.

– 2-республика тиббиёт коллежини тугатиб, мазкур корхонанинг суюқ эритма тайёрлаш цехида ишламоқдаман, – дейди ЎзА мухбирига Орифжон Орипов. – Корхонамиз жаҳон илм-фани ва фармацевтика саноатининг энг сўнгги ютуқлари асосида жиҳозланган. Бу илғор технологияларни маҳорат билан бошқаришимизда коллежда олган билимимиз, хорижий тилларни ўзлаштирганимиз қўл келмоқда.

Бугунги кунда бутун дунёда аҳолининг табиий гиёҳлар асосида тайёрланган доридармон ва биологик фаол қўшимчаларга эҳтиёжи ортмоқда. Аҳолининг ана шундай эҳтиёжидан келиб чиқиб, юртимизда ҳам доривор гиёҳлар ишлаб чиқариш соҳаси йилдан-йилга ривожланмоқда. 2015 йилда ўсимликларни қайта ишлаш бўйича кўплаб янги корхоналар ташкил этилиб, 159 турда дори воситаси, 56 турда биологик фаол қўшимча ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Жорий йилда ҳам бу борадаги ишлар изчил давом эттирилаётир.

Бу чора-тадбирлар импорт ўрнини қоплаш, экспортни ривожлантириш, фармацевтика бозорида нарх-наво мутаносиблигини таъминлаш, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш омили бўлаётир.

Б.ХИДИРОВА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2016 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқдилар.

Мажлисда тегишли вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, соҳа экспертлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Кун тартибидаги масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари М.Мирзаев маъруза қилди.

Таъкидланганидек, иқтисодиётни диверсификация қилиш ва таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришга энг замонавий, илғор технологияларни жорий этиш орқали уни модернизациялаш жаҳон майдонида миллий иқтисодиётни рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилмоқда. Хусусан, ҳисобот даврида мамлакат ялпи ички маҳсулотининг (ЯИМ) ўсиши 7,8 фоизни ташкил этиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ҳам 6,7 фоизга ошди.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилиши ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажмини 11,8 фоизга, пудрат-қурилиш ишлари ҳажмини 17,5 фоизга ошириш имконини берди.

Юқори иқтисодий ўсиш суръатларига ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси, давлат бюджетининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз профицити ва инфляция даражасининг пастлигини ифода этган макроиқтисодий мутаносибликни сақлаш орқали эришилган.

Жорий йилнинг ўтган даврида Давлат бюджети харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлиги таъминланиб, улар мамлакатимиз аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини оширишга хизмат қилди. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси масалалари диққат-эътиборда бўлди. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича зарур муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлган 13 мингта якка тартибдаги уй-жой қуришни ташкил этиш борасида чоратадбирлар кўрилмоқда. Айни пайтда 5,1 мингдан зиёд уйлар қуриб битказилди.

Муҳокамалар давомида депутатларнинг Давлат бюджети ижроси билан боғлиқ масалалар юзасидан берган саволларига ҳукумат вакиллари атрофлича жавоб бердилар.

Шундан сўнг, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси А.Шодмоновнинг қўшимча маърузаси эшитилди.

(Давоми 2-бетда.)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги "Табиат мўъжизаси" тайёрлов савдо-харид корхонасида сиғими 250 тонналик музлаткич иш бошлади.

● Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун "Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда сув тежамкорлигининг аҳамияти" мавзуида медиа-тур бўлиб ўтди.

● Қашқадарёда ўтказилган "Камолот-тур" IX ёшлар веломарафонининг вилоят босқичида уч ёш тоифаси бўйича 290 ҳаваскор спортчи иштирок этди.

● Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманида намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган янги уйлар фойдаланишга топширилди.

● Навоийда "Камолот-тур" IX ёшлар веломарафонининг вилоят босқичи ўтказилди.

ЖАҲОНДА

● Айни кунларда Ғарбий ва Марказий Европада ноанъанавий обҳаво кузатилаяпти. Гап шундаки, Буюк Британия, Бельгия, Германия, Нидерландия каби мамлакатлар ҳудудларида ҳаво ҳарорати Цельсий бўйича одатдагига нисбатан ўртача 10-12 даражага кўтарилиб кетди. Хусусан, ҳозир Жанубий Англия пляжларида чўмилиш ҳам мумкин. Бундай қулай имконият ҳатто ёз ойларида камдан-кам кузатилади.

● АҚШнинг "Proterra" компанияси томонидан электр энергиясида ҳаракатланадиган замонавий автобус яратилди. "Catalyst E2" номли моделга ўрнатилган инновацион батарея тўлиқ қувватлантирилганда автобус 500 километр масофани босиб ўтади. Аккумуляторни "куч"-га тўлдириш учун эса 5 соат вақт кифоя.

● Мебель ва бошқа уй-жой жиҳозларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган дунёга машҳур "IKEA" компанияси учун август ойида якунланган жорий молиявий йил ниҳоятда омадли кечди. Ҳисобот даврида унга тегишли маҳсулотлар савдоси ҳажми 7,1 фоиз ўсиб, 34,2 миллиард еврога етди.

Пойтахтимиздаги Салар ва Бўзсув аэрация станциялари ускуналари реконструкция ва модернизация қилиниб, энергия тежайдиган замонавий технологиялар жорий этилаётгани нафақат оқава сувни сифатли тозалаш, балки сарфланадиган энергия ҳажмини камайтириш имконини бермоқда.

КОММУНАЛ СОҲА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнида аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш, тоза ичимлик суви, иссиқлик энергияси ва газ билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

"Сувсоз" давлат унитар корхонаси вакилларининг маълум қилишича, Тошкент шаҳри сув ва канализация тизимлари ривожланган шаҳарлардан биридир. Оқава сув шаҳардаги 2,5 минг километрлик тармоқ ва коллекторлар орқали чиқарилади. Бу тармоқларда қарийб 100 мингта қудуқ, авария рўй берганда оқава сувни чиқариб юборадиган 30 қурилма ва 39 сунъий иншоот ўрнатилган. Бундан ташқари, кўплаб ташкилот ва корхоналар ўзининг тозалаш иншоотига эга.

Пойтахтимизда оқава сувни туну кун ҳайдайдиган 13 насос станцияси фаолият юритмоқда. Тўпланган сув аэрация станцияларига келиб тушади ва бу ерда тўлиқ биологик тозаланади. Айни пайтда мазкур станциялар кунига 1,9 куб метр сувни қайта ишлаш имкониятига эга бўлиб, бу пойтахтимиз эҳтиёжини тўлалигича қондиради. Санитария-эпидемиология хизмати оқова сувни тозалаш жараёнини назорат қилиб бормоқда.

Салар аэрация станцияси кунига 830 минг куб метргача оқава сувни тўлиқ биологик тозалаш ва қайта ишлашга мўлжалланган. Бу ерда сувни механик, биологик тозалаш, чўкмаларга ишлов бериш ва тозаланган оқава сувни зарарсизлантириш ишлари амалга оширилади. Оқава сувни замонавий ва юқори технологиялар ёрдамида тозалаш жараёнида улар зарарсизлантирилиб, фильтрланади ва бу сув ресурсларини тежаш ҳамда атроф-муҳитнинг санитария-эпидемиологик ҳолатини сақлашга ёрдам беради.

Сув тозалаш иншоотларида оқава сувни фильтрлаш сифатини янада ошириш мақсадида эскирган ускуналар замонавийларига алмаштирилмоқда. Бу оқиб келадиган майда аралашмаларни ушлаб қолиб, сувни тозалаш самарадорлигини оширишга хизмат қилаётир. Фильтрлаш тизимининг янгиланиши ҳавони тенг тақсимлаб, аэрация самарадорлигини янада оширади. Ҳаво ҳайдайдиган тўртта эски агрегат ўрнига энергия тежайдиган янги агрегатлар ўрнатилиши Салар аэрация станцияси тизимида автоматик равишда бошқариладиган ҳавони узлуксиз етказиш имконини беради.

Салар аэрация станциясидаги сакқиз насос станциясининг эскирган 26 ва Бўзсув аэрация станциясидаги 32 насосни энергия тежайдиган замонавий насослар билан алмаштириш энергия сарфини 10 фоизга камайтиради.

Масалан, Бектемир туманида саноат корхоналари кўпайиши сабабли тумандаги кунига 20 минг куб метр оқава сувни тозалаш қувватига эга канализация тозалаш иншоотлари модернизация ва реконструкция қилинди. Ушбу иншоотлардаги эски насослар "Грундфос" компаниясида ишлаб чиқарилган энергия тежайдиган насос агрегатлари билан алмаштирилди.

Амалга оширилган реконструкция ва янгилаш ишларидан сўнг Салар ва Бўзсув аэрация станцияларининг самарадорлиги ва қуввати икки баробар ошди. Коммуникацияларни ривожлантириш ва модернизация қилиш аҳоли ҳаёт даражасини янада ошириш, сув ва энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишга хизмат қилмоқда.

Роман БОНДАРЧУК

ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қайд этилдики, ҳисобот даврида жорий йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифа ва устувор йўналишлари изчил амалга оширилиши иқтисодий кўрсаткичларнинг юқори ўсиш суръатларини сақлаш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш имконини берган. Давлат бюджети мамлакатимиз парламенти томонидан тасдиқланган параметрларга мувофиқ ижро этилган.

Мамлакатимиз Давлат бюджетининг 2016 йилнинг биринчи ярим йиллигидаги ижросини ҳар томонлама муҳокама қилиш чоғида сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи вакиллари нуқтаи назарлари ва фикрларини баён қилиб, бюджет маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш, бюджет ташкилотларида молиявий интизомга амал қилиш, давлат органларининг мамлакатимиз Бюджет кодексига риоя этиш бўйича масъулиятини ошириш юзасидан тавсияларини берди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар мамлакатимизда амалга оширилаётган бозор ислоҳотларининг устувор йўналишлари бўлган кичик бизнеснинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигини таъминлаш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш муҳимлигини таъкидладилар. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида бу борада қиймати 267,5 миллиард сўмлик инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарти билан 305 та давлат активлари хусусий мулкдорларга сотилган. Кичик бизнес субъектларига 8,3 триллион сўмлик кредит ажратилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,3 баробар ўсган.

Шунингдек, фракция аъзолари томонидан билдирилган таклиф ва тавсияларда тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб этишни янада рағбатлантириш, хусусий мулкни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни изчил ривожлантириш учун хомашё ресурсларини очиқ биржа ва ярмарка савдоларида сотиш ҳажмини ошириш ва шу орқали уларнинг харид имкониятларини янада кенгайтириш масалалари ўрин олди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари ўз дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда экспорт қилувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, экспортни диверсификация қилиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш учун янги бозорларни ўзлаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг юқори натижаларини алоҳида эътироф этдилар. Жумладан, йил бошидан буён илгари ўз маҳсулотларини экспорт қилмаган 600 та корхона экспорт фаолиятига жалб этилган.

Фракция вакиллари жойларда солиқ қонунчилигига хўжалик юритувчи субъектлар томонидан риоя қилинишини таъминлаш ва тақдим этилган имтиёз ва преференциялардан самарали фойдаланиш, бюджетлараро муносабатларни янада такомиллаштириш асосида маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлаш, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан мавжуд имкониятлар ҳамда резервлардан самарали фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясидан сўзга чиққанлар мажлис иштирокчиларининг диққатини аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш тизимини янада ривожлантириш масалалари, қолаверса, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг амалга оширилишига қаратдилар. Хусусан, 2016 йилнинг биринчи ярим йиллигида 462,5 мингта янги иш ўринлари яратилганлиги, шундан 59,8 фоизи қишлоқ жойларида эканлигини эътироф этдилар.

Шу билан бирга фракция аъзолари Бандлик дастури ижросининг таъминланиши юзасидан бир қатор таклифлар киритдилар. Бунда, таъкидланганидек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан Бандлик дастурининг бажарилиши устидан назоратни кучайтириш зарур.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзолари жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурини амалга ошириш учун 4,4 триллион сўм, шунингдек, 111,0 миллион АҚШ долларидан ортиқ маблағ йўналтирилганини таъкидлаб, мазкур дастурни амалга ошириш учун Давлат бюджетидан йўналтириладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан доимий парламент назорати йўлга қўйилганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Шунингдек, фракция вакиллари ўз сайловолди дастурларидан келиб чиқиб, илм-фанни ривожлантиришга 82,7 миллиард сўм сарфланганини эътироф этган ҳолда, йўналтирилган маблағлар мамлакатимизнинг илмий, илмий-техник салоҳиятини янада ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида қайд этдилар. Депутатлар давлат илмий-техник дастурларининг устувор йўналишларини, тармоқлар бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотларни, бинобарин, инновацион ишланмалар дастурларини молиялаштиришнинг мақбуллаштирилишига доир таклифлар билдирдилар.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи аъзолари таъкидладиларки, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик муаммоларни ҳал этиш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, жумладан, экологик барқарорликни таъминлаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, замонавий ҳамда тоза технологияларни кенг жорий этилишига хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, депутатлар йўналтирилаётган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланилишини таъминлаган ҳолда, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг самарадорлигини оширишни таклиф қилдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокама давомида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифларни инобатга олган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2016 йил биринчи ярим йилликдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш ҳақида тегишли қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати



Бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳалар каби банк-молия тизимида ҳам изчил ислоҳотлар олиб борилмоқда. Натижада банклар мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш орқали молиявий хизмат турларини кенгайтириб бораяпти. Мана шундай етакчи банклардан бири "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБдир.

"ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК" ХИЗМАТ ТУРЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИБ БОРМОҚДА

Ушбу банк молия бозорида ўз обрўсига эга бўлиб, "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" тамойилига амал қилган ҳолда бир миллиондан кўпроқ юридик ва жисмоний шахсларга барча турдаги банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. Банк ўзининг устувор вазифаси сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қувватлашга йўналтирилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича жорий йилнинг I ярим йиллигида "Ўзсаноатқурилишбанк" томонидан 2096 та кичик бизнес вакилларига 571 миллиард сўмлик кредитлар ажратилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробарга ўсиши таъминланди. Жумладан, 1385 нафар тадбиркорларга берилган микрокредитлар ҳажми 58 миллиард сўмни ташкил қилиб, 32 фоизга кўпайди.

— Корхонамизни ташкил этганимиздан буён "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Амалиёт бошқармаси мижози ҳисобланамиз, — дейди "MIR SKAZOK" хусусий корхонаси директори ўринбосари Отабек Тоҳиров. — Ўз фаолиятимиз давомида доимий равишда банкнинг кредит маблағларидан фойдаланиб келмоқдамиз. Ишлаётган ҳудудимиз аҳолиси эҳтиёжини қондириш учун қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишни олдимизга мақсад қилиб қўйдик ва "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Амалиёт бошқармаси томонидан ажратилган кредит эвазига Хитой давлатидан янги технологиялар сотиб олинди. Натижада бугунги кунда 50 хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқариб келинмоқда. Бу кўрсаткични йилнинг охиригача 60 тага етказишни режалаштирганмиз.

Давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан халқимиз турмуш даражасини янада юксалтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Буни ҳаётимизда рўй бераётган бекиёс ўзгаришлар, ҳудудларда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларида ҳам кўришимиз мумкин. Шаҳару қишлоқларимизда қад ростлаётган замонавий таълим, тиббиёт муассасалари, спорт иншоотлари, кенг ва равон йўллар, кўприклар ҳамда намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган уй-жойлар ҳудудлар кўркига кўрк қўшиш баробарида, аҳолининг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда.

Айтиш жоизки, аҳолининг реал даромадлари йилдан-йилга ошиб бориши натижасида ўз-ўзидан сифатли уй-жойга бўлган эҳтиёж ҳам ортмоқда. Бу эса турар жой инфратузилмасини тубдан ривожлантириш заруриятини юзага келтираяпти. Шу боис, юртимизнинг барча ҳудудларида замонавий уй-жойлар қурилишига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Мазкур жараёнда мамлакатимиз тижорат банкларининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Хусусан, "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ томонидан сўнгги уч йил ичида юртимизнинг турли ҳудудларида барпо этилаётган кўп қаватли турар жой объектлари қурилишини молиялаштиришга 221 миллиард сўмдан зиёд кредит маблағлар йўналтирилди. Натижада 43 та кўп қаватли уйлар қурилиб, 1 047 нафарга яқин оилага янги хонадонларнинг калитлари топширилди.

Жорий йилда банк томонидан 700 оилага 71,3 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Жумладан, янги қуриб битказилган уйларда кўп хонали квартираларни харид қилиш учун 154 ёш оилага 22,3 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди.

Айни пайтда банк томонидан яна 37 та кўп қаватли турар жой биноларининг қурилиши жадал давом эттирилмоқда.

Соҳада амалга оширилаётган дастурли ишлар самарасида аҳолининг турмуш даражаси, ҳаёт тарзи ҳамда яшаш шароити кундан-кунга юксалиб бормоқда.

Сурайё ИМОМОВА, "Туркистон-пресс"

МАҲСУЛОТЛАР ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка катта эътибор берилаётгани боис ишлаб чиқаришни муттасил ривожлантириб бораётган корхоналар сафи кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Бектемир тумани ҳокимлигидан 2010 йилда рўйхатдан ўтиб иш бошлаган "Нисо текстил сервис" корхонаси ҳам ана шундай кичик бизнес субъектларидан биридир.

Бугунги кунда корхонада 20 дан ортиқ ўз ишининг моҳирлари бўлган тикувчилар фаолият олиб бормоқда. Сабаби маҳсулотнинг сифатли чиқиши кўп жиҳатдан ишчиларнинг маҳоратига боғлиқ. Бу ерда эндигина туғилган чақалоқдан бошлаб 3 ёшгача бўлган болажонлар учун ўзимизнинг хомашёдан тайёр кийимлар тикилиб, ички бозорга етказиб берилмоқда.

– Ушбу корхонада икки йилдан бери ишлаб келаман, – дейди тикувчи Дилфуза Шокирова. – Ўзим Бектемир тумани "Юқори чирчиқ" маҳалласида яшайман, уйим ишимга яқин. Бу ерда ишлаётганимдан мамнунман. Асосан ёш болалар учун кийимлар ва кўрпа-жилдлар тикамиз. 15 йиллик иш тажрибасига эгаман.

Цех бошқарувчиси Рокия Хабиялиева билан ишлаб чиқариш бўлимларини айланамиз. Бу ерда ишчилар учун қулай шароитлар яратилган. Тикувчилар тинч ва ёруғ шароитларда ишлашаяпти.

– Асосан маҳсулотимиз кичкинтойларга мўлжалланган, – дейди цех бошқарувчиси. – Тикилаётган маҳсулотнинг сифатини доим назорат қилиб борамиз. Ишчиларимиз ўз ишини яхши билишади. Маҳсулотимизга республикамизнинг барча вилоятларида харидорлар бор.

Корхонада Япония, Хитой ва Германиядан келтирилган замонавий ва ихчам дастгоҳларни кўриш мумкин.

– Бошида 4 нафар ходим билан иш бошлаганмиз, – дейди корхона раҳбари Музаффар Хабиялиев, – Йилдан йилга ишлаб чиқариш қувватини ошириб бораяпмиз. Ишчи ва мутахассисларимиз малакали, ўз ишини яхши билади. Келгуси мақсадимиз ишлаб чиқаришни янада ривожлантириб, экспортга маҳсулот чиқаришни режа қилиб турибмиз. Бу борада изланишлар олиб бораяпмиз. Айни пайтда маҳсулотларимиз тури 200 дан ошади, дизайн ҳам бугунги кун талабига жавоб беради. 2015 йилда 500 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик, бу йил охиригача маҳсулотимизни 700 млн. сўмга етказмоқчимиз.

Ҳа, ўзи кичик бўлса-да, "Нисо текстил сервис"нинг туман иқтисодиётига қўшаётган ҳиссаси салмоқли. Зеро, корхона маҳсулотларига ички бозорда талаб юқори. Бу эса энг муҳими.

З.ШАРИФЖОНОВ

АЛЕКСАНДР СВЕЧНИКОВ – ПАРАЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИ ҒОЛИБИ

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида давом этаётган XV Паралимпия ўйинларининг навбатдаги кунида Ўзбекистон спорт делегацияси ҳисоби яна олтита медалга бойиди.

Енгил атлетика бўйича мусобақаларда қатнашган Александр Свечников найза улоқтириш баҳсларида шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Спортчимиз 65,69 метр натижа қайд этиб, Паралимпия рекордини янгилади.

Хотин-қизлар ўртасида енгил атлетиканинг ядро улоқтириш мусобақасида Сафия Бурхонова 15,05 метр натижа билан кумуш медални қўлга киритди.

50 метрга эркин усулда сузиш бўйича Муслима Одилова 28.00 сония натижа билан кумуш, Шоҳсанам Тошпўлатова 28.02 сония натижа билан бронза медални қўлга киритди. Таъкидлаш жоиз, мазкур медаллар спортчиларимизнинг Паралимпия ўйинларидаги иккинчи медалларидир. Аввалги кунги мусобақаларда М.Одилова 100 метрга баттерфляй усулда сузишда иккинчи, Ш.Тошпўлатова 200 метрга комплекс усулда сузишда учинчи ўринни эгаллаган эди.

50 метрга эркин сузиш бўйича эркаклар ўртасидаги баҳсларда Музаффар Турсунхўжаев 24.48 сония натижа билан ўзининг иккинчи бронза медалини қўлга киритди. У ҳам аввал ўтказилган 100 метрга баттерфляй усулда сузишда учинчи ўринни эгаллаган эди.

Енгил атлетиканинг ядро улоқтириш мусобақасида қатнашган тажрибали спортчимиз Ҳусниддин Норбеков 15,17 метр натижа қайд этиб, бронза медаль билан тақдирланди. Мазкур медаль унинг Паралимпия ўйинларидаги иккинчи медалидир. Атлетимиз диск улоқтириш мусобақасида шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилганди.

Айни пайтда Ўзбекистон спорт делегацияси ҳисобида 7 олтин, 6 кумуш, 17 бронза, жами 30 медаль бор.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ: КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида "Олий таълим муассасаларининг педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларини такомиллаштириш мазмуни ҳамда илғор хорижий тажрибалар" мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари И.Мажидов ва бошқалар истиқлол йилларида ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни вояга етказиш, таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатлар ва улар бераётган улкан натижалар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номи билан боғлиқ эканини таъкидлади.

Биринчи Президентимизнинг 2015 йил 12 июндаги "Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини илғор хорижий тажрибалар асосида модернизациялаш мақсадида бугунги кунда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бош илмий-методик марказ ҳамда таянч олий таълим муассасалари ҳузуридаги тармоқ марказлари томонидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хорижий тажрибалар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ўқув режа ва дастурларини такомиллаштириш мақсадида олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг устувор йўналишлари бўйича хорижий мутахассислар ҳамкорлигида ўқув режалар ва дастурлар ишлаб чиқилди.

Ҳозирги кунда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича таянч олий таълим муассасалари ҳузуридаги тармоқ марказларига директор ўринбосари сифатида Жанубий Корея, Италия, Австрия, Япония, АҚШ, Испания, Франция каби давлатлардан 15 хорижий мутахассис жалб этилди. 2016 йилда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг педагоглари таркиби салоҳиятини янада мустаҳкамлаш мақсадида хорижий давлатларнинг университетларида таҳсил олган, хорижда стажировка, малака оширишдан ўтган, соҳанинг тажрибали мутахассис ва амалиётчиларидан иборат 827 номзод базаси шакллантирилди.

2016 йилнинг апрель-май ойларида номзодлар учун Германия, Япония, Англия, Жанубий Корея, Италия, Испания, АҚШ, Португалия каби давлатлардан жалб этилган 34 нафар хорижий мутахассис иштирокида 24 соатга мўлжалланган қисқа муддатли тренерлар тайёрлаш курслари ташкил этилди. Тренерлик курслари якунида тест синовлари ва суҳбат ўтказиш асосида 402 профессор-ўқитувчи саралаб олинди. Саралаб олинган профессор-ўқитувчилар учун жорий йилнинг 15 августидан 41 нафар хорижий мутахассисни жалб этган ҳолда 108 соатлик малака ошириш курслари ташкил этилди.

2016 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида бакалавриат таълим йўналишларининг янги ўқув дастурлари асосида 1-курсда мутахассислик фанларидан дарс берадиган 1577 нафар педагог кадр таянч олий таълим муассасалари ҳузуридаги тармоқ марказларида хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган ўқув режа ва дастурлар бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтиши режалаштирилган.

Хорижий тажрибалар асосида олий таълим муассасалари раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўқув-меъёрий ва методик таъминотини такомиллаштириш мақсадида Европа Комиссиясининг "Эрасмус+" лойиҳаси доирасида Лондон Метрополитан университети (Буюк Британия), Пелопоннес университети (Греция), Резекне технология академияси (Латвия), Ўзбекистондаги Британия Кенгаши билан ҳамкорликда қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда олий таълим муассасалари педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларидаги ўқитиш сифати назоратини, шунингдек, тингловчиларнинг ўқув фаолияти натижалари доимий мониторингини олиб бориш мақсадида электрон мониторинг тизими йўлга қўйилган.

Матбуот анжуманида журналистларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

ЎзА

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

ДУШАНБА, 19

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 Миллий сериал: "Фидоийлар".
7.30 "Мўъжизакор батик". Ҳ/ф.
7.50 Анонс.
8.00 "Тахлилнома".
8.40 "Электр нурлари". Ҳ/ф.
9.15 "Соғлом она ва бола йили". "Нурли ришталар".
9.35 "Мўъжизалар макони".
10.05 Анонс.
10.15 "Ватанпарвар".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Жараён". Ток-шоу.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Учбурчак". Ток-шоу.
13.50 Анонс.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Зиё" студияси: "Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида".
14.45 "Менинг боғим".
15.05 "Бизнес-старт".
15.30 "Қишлоқ ҳаёти".
15.50 "Иқлим".
16.00 "Заковат".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Суҳбатдош".
17.25 "Ҳаёт". Ҳ/ф.
18.15 "Муборак масканлар".
18.35 "Имконият".
18.55 "Чорак аср шиддати".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Қайнона ва келин". Т/с. Премьера.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Чорак аср шиддати" (ўзб).
22.10 "Муносабат". Ток-шоу.
22.55 – 00.25 "Бармоқлар сеҳри". Б/ф.
00.30 Миллий сериал: "Фидоийлар".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Қасамёд". Б/ф.
3.45 "Менинг боғим".
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Имтиҳон".
5.10 – 5.55 "Ватанпарвар".

Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Шарқ гавҳари".
6.50 "Устоз ҳақида сўз".
7.00 "Хиёнат". Т/с.
7.30 "Афсона ва ҳақиқат".
8.10 "Қўрғон". Б/ф.
9.50 "UzEX".
10.00 "Камолот-инфо".
10.10 "Келин". Т/с.
11.00 "Ов". Ҳ/ф. 1-қисм.
12.00 "Сарой табиби". Т/с.
12.50 "UzEX".
13.00 "Давр".
13.10 "Мўъжизавий дунё".
14.10 "Сеҳргарлар". Т/с.
15.10 "Ўзингни ўзинг асра".
15.50 "Устозлик бахти".
16.00 "Давр".
16.10 "Бир қадам". Т/с.
17.00 "Камолот-инфо".
17.10 "Юрт келажаги".
17.30 "Канизак Изаура". Т/с.
18.50 "UzEX".
19.00 "Давр".
19.30 "Келин". Т/с.
20.20 "Оналар мактаби".
21.00 "Сарой табиби". Т/с.
21.50 "Устозга таъзим".
22.00 "Давр".
22.30 "Годзилла". Б/ф.
00.40 "Мўъжизавий дунё".
4.30 "Фан ва ёшлар".
5.30 – 6.00 "Давр".

Тошкент

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 "Poytaxt".
6.15 Миллий сериал: "Қисмат битиги". /Якунловчи/.
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с.
9.50 "Poytaxt-sport".
10.15 "Интиқом". Т/с.
11.15 "Эртамиз эгалари".
11.35 "Обод хонадон".
12.15 Миллий сериал: "Қисмат битиги".
13.15 "Саломат бўлинг!" тележурнали.
14.10 "Тошкент вақти".
16.10 "Муҳаббат қиссалари: Уйимдаги бегона". Т/с. Якунловчи/.
16.50 "Poytaxt-sport".
17.15 "Биз кимларнинг авлодимиз?" 1-қисм.
17.50 "Ишга марҳамат!"
18.20 "Сифат назорати".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с. /Премьера/.
20.20 "Муҳаббат қиссалари: Қалбим ардоғи". Т/с. /Премьера/.
21.00 "Ватанга талпинаётган кўнгил".
21.45 "Телемаркет".
22.20 "Мэнсфилд Парк". Ҳ/ф.
23.50 "Пойтахт-авто".
00.05 "Ватанга талпинаётган кўнгил".
00.30 "Ҳикматли дунё": "Умр".
1.00 "Пойтахт йўлларида".
1.25 "Poytaxt-avto".
1.35 "Обод хонадон".
2.15 "Биз кимларнинг авлодимиз?" 1-қисм.
2.55 "Кинотақдим".
3.20 "Баҳор қайтмайди". Видеофильм. 1-қисм.
3.55 – 5.55 "Тошкент вақти".

Спорт

6.00 Мадҳия.
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Ифтихоримсан, спорт!"
6.30 "Болалар спорти".
7.00 "Sport-online".
8.00 Талқин.
8.35 "Ёзги Паралимпия ўйинлари – 2016".
9.30 "RIO 2016".
10.00 "Техноспорт".
10.15 Футзал. Жаҳон чемпионати. Озорбайжон – Эрон.
11.50 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport-online".
13.05 "Эътироф".
13.15 "Шоҳсупага йўл".
14.00 Хабарлар.
14.20 XV Ёзги Паралимпия ўйинлари ёпилиш маросими.
16.20 "Техноспорт".
16.35 Теннис. ATP-WTA турнири.
17.45 Кўрсатувлар тартиби.
17.50 "Болалар спорти".
18.30 Хабарлар.
18.50 Футзал. Жаҳон чемпионати. Испания – Марокаш.
20.25 "Спорт-маркет".
20.30 Хабарлар.
20.55 "ФИФА". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
22.30 Футзал. Жаҳон чемпионати. Қозоғистон – Соломон оролари.
00.00 Мадҳия.
00.05 Хоккей. Жаҳон Кубоги.
1.45 Хабарлар.
2.10 Велоспорт.
3.00 "Техноспорт".
3.15 Футзал. Жаҳон чемпионати. Қозоғистон – Соломон оролари.
4.50 – 6.00 Теннис. ATP-WTA турнири.

Маҳалла

6.00 "Ватан мадҳи".
6.05 Миллий сериал. "Кўнгил кўчалари".
6.35 "Муҳаббат риштаси".
7.00 "TV анонс".
7.05 Миллий кино. "Дардим ичимда".
8.45 "7 кун нафаси".
9.00 Миллий кино. "Йигитали".
10.10 "TV анонс".
10.15 "Маҳалламиз спортчилари".
11.05 "Йўлга чиқдик".
11.30 "Эзгу сўз, эзгу амал". Ток-шоу.
12.10 "Юксалиш мезонлари".
12.55 "Кун нафаси".
13.00 Миллий кино. "Мактуб".
14.15 "Кўнгилдаги гаплар". Ток-шоу.
15.00 Миллий сериал. "Ҳаёт жилғалари".
15.30 "Ноёб институт".
15.55 "Кун нафаси".
16.00 "Фермер".
16.30 "Илм қудрати".
16.55 "TV анонс".
17.00 Миллий сериал. "Ўзи уйланмаган совчи".
17.30 "Очиқ дарс".
17.55 "Кун нафаси".
18.00 "Менинг маҳаллам".
18.30 "Қадр топган қадриятлар".
19.00 Миллий сериал. "Жийда гули".
19.30 "TV анонс".
19.35 "Саодатли умр".
20.00 "Халқ виждони". Ток-шоу.
20.50 "Кун нафаси".
21.00 Миллий кино. "Бахт ортидан".
22.25 "TV анонс".
22.30 "Тунги репортаж".
23.00 "Кун нафаси".
23.10 "Обод манзиллар".
23.35 "Обод маҳалланинг бахтли оиласи".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Кўнгил кўчалари".
00.35 "Нуроний фасл".
1.00 Миллий кино. "Мактуб".
2.15 "Иш билганга минг танга".
3.05 Миллий сериал. "Ҳаёт жилғалари".
3.35 "Меҳр қолур". Ток-шоу.
4.25 "Бола бошидан".
5.00 Миллий сериал. "Ўзи уйланмаган совчи".
5.35 – 6.00 "Аждодлар хазинаси".

Болажон

7.00 "Салом, болажон!"
7.10 "Болажон гимнастикаси".
7.20 "Ланди-ланди".
7.30 "Мультипанорама".
8.30 "Рассом болажон".
8.50 "Мультипанорама".
10.00 "Қувноқ алифбо".
10.30 "Мультипанорама".
12.20 "Бола бошидан".
12.30 "Электрон дунё".
12.40 "Катта танаффус".
12.50 "Bravo English!"
13.10 "Мультипанорама".
14.30 "Саргузаштлар ороли".
15.00 "Мультипанорама".
16.10 "Ширинтой-кичкинтойлар".
16.30 "Болалар учун фильм".
18.00 "Сеҳрли қўллар".
18.10 "Мультипанорама".
19.30 "Табиатга саёҳат".
19.50 "Билағон болажон".
20.20 "Мультипанорама".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

ЧОРШАНБА, 21

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 Миллий сериал: "Фидоийлар".
7.30 "Мусаффо маскан". Ҳ/ф.
8.00 "Ахборот".
8.40 "Коинот тилсими". Ҳ/ф.
9.10 "Ягона оилада".
9.30 "Қайнона ва келин". Т/с.
10.05 Анонс.
10.10 "Қишлоқ ҳаёти".
10.30 "Ҳаётдаги мен".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Мўъжизалар макони".
11.40 "Қорачиқ".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Имконият".
14.35 "Биз учун муҳим". Ток-шоу.
15.20 "Лойиҳадан натижагача".
15.40 Анонс.
15.55 "Агроолам".
16.15 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
17.00 "Ахборот".
17.10 "Ҳаёт". Ҳ/ф.
18.00 "Парламент ҳаёти".
18.15 2016 йил – "Соғлом она ва бола йили". "Нурли ришталар".
18.35 "Менинг боғим".
18.55 "Чорак аср шиддати" (рус).
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Қайнона ва келин". Т/с.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Чорак аср шиддати" (ўзб).
22.10 "Учбурчак". Ток-шоу.
23.00 – 00.20 "Тантановор кун". Б/ф.
00.20 Анонс.
00.30 Миллий сериал: "Фидоийлар".
00.50 Анонс.
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Тангалик болалар". Б/ф.
3.45 "Менинг боғим".
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Имтиҳон".
5.10 – 5.55 "Ўзингни англа". Ток-шоу.

Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Шарқ гавҳари".
6.50 "Устоз ҳақида сўз".
7.00 "Хиёнат". Т/с.
7.30 "Афсона ва ҳақиқат".
8.10 "Алданган аёл". Б/ф.
9.50 "UzEX".
10.00 "Давр".
10.10 "Келин". Т/с.
11.00 "Ов". Ҳ/ф. 3-қисм.
12.00 "Сарой табиби". Т/с.
12.50 "UzEX".
13.00 "Давр".
13.10 "Мўъжизавий дунё".
14.10 "Сеҳргарлар". Т/с.
15.10 "Ўзингни ўзинг асра".
15.50 "Устозлик бахти".
16.00 "Давр".
16.10 "Бир қадам". Т/с.
16.50 "Ёшлар боғи".
17.10 "Таълим ва тарбия". 1-қисм.
17.30 "Канизак Изаура". Т/с.
18.50 "UzEX".
19.00 "Давр".
19.30 "Келин". Т/с.
20.20 "Қиёмат қарз".
20.50 "Юртим жамоли".
21.00 "Сарой табиби". Т/с.
21.50 "Устозга таъзим".
22.00 "Давр".
22.30 "Суғур куни". Б/ф.
00.10 "Навоий хазинаси".
00.40 "Мўъжизавий дунё".
2.40 "Муҳандислик ишлари".
3.40 "Ҳаётни танла".
4.10 "Ибн Сино".
5.10 "Соғлом ҳаёт".
5.30 – 6.00 "Давр".

Тошкент

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 "Poytaxt".
6.15 Миллий сериал: "Бедор туйғулар".
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с.
9.50 "Poytaxt-sport".
10.15 "Интиқом". Т/с.
11.15 "Тошкентнома".
11.35 "Эртамиз эгалари".
12.15 Миллий сериал: "Бедор туйғулар".
13.10 "Сифат назорати".
13.35 "Пойтахт-культура".
14.10 "Тошкент вақти".
16.10 "Муҳаббат қиссалари: Қалбим ардоғи". Т/с.
16.50 "Poytaxt-sport".
17.15 "Биз кимларнинг авлодимиз?" 3-қисм.
17.50 "Ишга марҳамат!"
18.20 "Саломат бўлинг!" тележурнали.
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с. /Премьера/.
